ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

"ТЕХНИКА" ФАКУЛЬТЕТИ

"УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИ" КАФЕДРАСИ

| | |
|---|---|
| **«ТАСДИҚЛАЙМАН»** | **«ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ»** |
| факультет декани | кафедра мудири |
| К.Қосимов | В.Абдурахмонов |
| ______________________ | ____________________ |
| «___»______2012 й. | «___»_______ 2012 й. |

"Улуғнор қишлоқ хўжалик коллежида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари" мавзусидаги

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**БАЖАРДИ:** "Касб таълими" йўналиши 4-курс 1-гуруҳ битирувчиси
Абдуазизова Феруза Ғофуровна

**ИЛМИЙ РАҲБАР:** __________________ Улуғнор қишлоқ хўжалик
коллежи директори
С. Абдуворисов

**МАСЛАҲАТЧИЛАР:** _________________ Доцент: Х.Хайдарова

_________________ Ассистент:Ш.Алибеков

_________________ Ассистент Г.Саттиқулова

**ТАҚРИЗЧИЛАР:** 1. Хўжаобод педагогика
ижтимоий-иқтисодиёт коллежи
директори:М. Қодиров__________

2.Пахтаобод педагогика
коллежи директори: А. Собиров__________

**АНДИЖОН-2012.**

## МУНДАРИЖА

**КИРИШ…………………………………………………………………...…………3**

**I.БОБ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**
1.1 Педагогик технология тушунчаси……………………………………….8
1.2 Таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг услубий асослари………………………..…………18
1.3 Таълимда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишни бахолаш мезонлари ………………………………………………………..24

**II.БОБ УЛУҒНОР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОЛЛЕЖИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**
2.1 Коллеж таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг мазмуни ва йўналишлари ………………………………..28
2.2 Коллежда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлик холати таҳлили …………….…………………….................34
2.3 Коллеж дарс машғулотларини ахборот технологиялари асосида ташкил этиш холати таҳлили ……………………………………………………44

**III.БОБ УЛУҒНОР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОЛЛЕЖИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**
3.1 Коллеж таълимда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш асослари……………………………….………….47
3.2 Коллеж таълим сифати рақобатбардошлигини оширишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишни лойихалаштириш асослари……………………………………………………………………49

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР…………………………………………..…………51**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ……………………...………….54**

**ИЛОВАЛАР**

## КИРИШ

***Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги***. 2012 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасида таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган ишлар ҳақида алоҳида тўхталди. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилди.[1] Шу боисдан Республикамизда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш ва таълим – тарбия сифатини юқори талаблар асосида шакллантиришга оид таълим ислохотлари ва имкониятлари асосида таълимнин ўқув жараёни сифатини ошириш муҳим ахамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида таълим-тарбия жараёнларини миллий қадриятлар руҳида ва маънавий омиллар асосида шакллантириш ўз навбатида янгича ёндашиш ва малакаларни ишлаб чиқишга талабларни шакллантиримоқда. Шу боисдан жамиятимизда таълим – тарбия сохасини ислох қилишнинг замонавий усуллари ва омилларини ишлаб чиқиш, ўқитишни янгича мезонларини излаш каби омиллар қаторига таълим жараёнидаги ўқитишнинг янги педагогик технологиялари ва таълим жараёнини инновацион усуллари асосида ташкил этиш жараёнларида ифодаланади. Шу боисдан касб-хунар таълимининг ўқув жараёни ва тарбиявий ишларини ташкил қилишнинг омиллари мисолида таълим жараёнида янги педагогик технологиялар ва улардан фойдаланиш ва тадбиқ этиш орқали иқтисодий самарага эришиш ўз навбатида касб-хунар таълимининг

[1] Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Т.: Ўзбекистон, 2012, 15-бет

малакали кадрлар етиштириш тизимини педагогик технолоигк хусусиятларини ўзида ифодалайди. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримовнинг “.....таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди”[1]- деб таъкидланганмулохазаларидан хам кўриш мумкинки таълим-тарбия жараёни инсон онги ва тафаккурини шакллантиришнинг асосий омили сифатида қаралар экан таълим-тарбия жараёнини инсон онгига қаратилган методлари ва услубиларини ишлаб чиқиш асосий масалалар сифатида эътироф этилмоқда. Шу боисдан ўқитишни ва тарбия жараёнини янгича талабалар ва мезонлар асосида ишлаб чиқиш таълимда педагогик технологиялар тизимини шакллангтириш ва қўллашга нисбатан эхтиёжни шакллантиримоқда. Шу каби омиллардан келиб чиқиш ишнинг амалий аҳамияти касб-хунар таълими жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ва иқтисодий самарага эришиш ва таълим ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий алоқадорлигини таъминлашдаги алохида восита сифатидаги тушунчаларни шакллантириш хисобланади.

***Битирув малакавий ишининг ўрганилганлик даражаси***-Таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг усуллари юзасидан илмий тадқиқот ишларини олибб орган олимлардан Н.П.Кондраков, М.И.Кутер, Е.С.Соколова, Н.Жўраев, Р.Холбеков, Ф.Абдувохидов, А.С.Сотволдиев, А.А.Каримов, А.Абдуллаев, М.Тўлахўжаева, Н.Хўжаевлар каби олимларни келтириб ўтиш мумкин.

***Битирув малакавий ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги*** - Битирув малакавий иши мавзуси Андижон Машинасозлик Институти “Умумтехника фанлари” кафедраси битирув малакавий ишлари режасига киритилган бўлиб, кафедранинг илмий-тадқиқот ишларининг режа талаблари асосида ёзилади.

---

[1] Каримов И.А “Баркамол авлод орзуси”-Т: “Шарқ”-1999 й.

***Битирув малакавий ишининг мақсади*** – Улуғнор қишлоқ хўжалиги коллежида ихтисослик фанлари ва бошқа фанлардан дарс машғулотларини янги педагогик технологиялар ва усуллар асосида ташкил этиш натижасида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини яхшилашнинг омилларини ва тажриба, таҳлил натижаларини келтириш орқали ифодалаш.

***Битирув малакавий ишининг вазифалари:***

- таълимда педагогик технологиялар тушунчасини ёрииш;
- таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг услубий асослари ва педагогик технологиялар асосида ўқитишнинг методик асосларини мохиятини ёритиш;
- Улуғнор қишлоқ хўжалик коллежи таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг мазмуни ва таълим жараёнининг алохида хусусиятларини келтириш;
- Улуғнор қишлоқ хўжалик коллежида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлик холати таҳлилини ёритиш ва натижаларни келтириш;
- Улуғнор қишлоқ хўжалик коллежида дарс машғулотларини ташкил қилишнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили натижаларни келтириш;
- Улуғнор қишлоқ хўжалик коллежида замонавий ахборот технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш асосларини ишлаб чиқиш;
- Улуғнор қишлоқ хўжалик коллежида таълим сифати рақобатбардошлигини оширишнинг педагогик технологиялардан фойдаланишни лойихалаштириш ва эришилган натижаларни яхшилаш йўналишларини шакллантириш;

***Битирув малакавий ишининг предмети ва объекти*** – Улуғнор қишлоқ хўжалик коллежи таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг усулларини ишлаб чиқиш ва коллежда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини яхшилашнинг омилларини келтириш. Объекти сифатида Улуғнор қишлоқ хўжалик коллежи таълими жараёни хисобланади.

***Битирув малакавий ишнинг илмий-тадқиқот методлари-*** Улуғнор қишлоқ хўжалик коллежи таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг усулларини ишлаб чиқишда ва таълим жараёнини таҳлили қилишда статистик таҳлил, солиштирма таҳлили, анализ, синтез, индукция ва дедукция, кузатиш, кластер методларидан фойдаланилади.

***Битирув малакавий ишнинг ахборот базаси-***Ўзбекистон Республикасининг таълим сохасини ривожлантиришга оид меъёрий хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таълим –тарбия жараёнини ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг таълим сохасига оид қарорлари, Вазирликнинг таълимни жараёнига оид нормативлари, таълимда инновацион педагогик технологиялар ва ўқитишнинг технологик асосларига доир адабиётлар хисобланади.

***Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги*** –Улуғнор қишлоқ хўжалик коллежида дарс машғулотларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали коллеж ўқучиларининг ўзлаштириш даражасини ошириш омили сифатидаги натижаларни тақдим қилиш ва асослаш.

***Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти*** – Таълим муассасаларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг усулларини ишлаб чиқиш таълимда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг таълим сифатга таъсирини бахолаш ишнинг назарий ахамиятини ифодаласа, Улуғнор қишлоқ хўжалик коллежида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнидаги ахамиятини ёритиш ишнинг амалий ахамиятини ифодалайди.

***Битирув малакавий иши натижаларини жорий қилиниши ва синовдан ўтиши-*** Улуғнор қишлоқ хўжалик коллежида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг усулларини ишлаб чиқиш ва мохиятини ёритишга доир мақола ва тезислар тўплами Республикамиз таълим муассасалари

ва илмий – тадқиқот институтларида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда баён этилган ва нашрдан чиққан.

***Битирув малакавий ишининг тузилиши ва хажми***-Улуғнор қишлоқ хўжалик коллежида замонавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг инновацион усулларини ёритишга оид маълумотлар кириш, уч боб саккизта параграфда, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалар билан битирув малакавий ишларига қўйиладиган талабларга жавоб беради.

## I БОБ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

### 1.1 Педагогик технология тушунчаси

Хозирги кунда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимига теххнология тушунчаси киритилиб, “Технология” лотинчадан “Жараён” маъносида ишлатилиб, бирор бир фаолиятни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг усуллари ва воситаларини тўғри ташкил этишнинг алохида методик ва такомиллашган усуллари йиғиндиси сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Технологияси ишлаб чиқариш ва бошқа махсулот ва товарлар ишлаби чиқариш жараёнларидан фарқли томонлари бу бирор бир проект (Лойиха) асосида

фойдаланиши тушунилади. Технология тушунчасини ўз навбатида таълим ва бошқа ижтимоий сохага оид фаолият турларига нисбатан қўлланилганда, технология таълимда ўқитишни ва дарс машғулотларини шакллантиришнинг методикаси ва усуллари йиғиндисини ўз ичига олади. Технология таълимдаги роли ва ахамиятини ёритишда XX асарнинг бошларидаёқ таълим жараёнига киритилиб, ўқув жараёнини бошқариш фан машғулотларини ўзлаштирувчиларга етказишнинг муҳим омилларидан бири ёки ўқитишнин алохида усули ва тингловчига материални етказиш маъносида ишлатилмоқда. Таълимда технологиянинг мохиятини ёритишда қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқитишни оптимал варианти ва методик асосини ташкил этади;
- билимни ўзлаштиришни осонлаштиради;
- илмий-назарий тушунчалар ва таҳлилни тўғри ташкил қилишнинг муҳим воситаси сифатида эътироф этилади;
- фаолиятнинг узлуксиз механизми вазифасини бажаради;
- ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларнинг мохиятини тўғри тушунтириш ва онгига сингдиришининг усулларидан бири хисобланади.

Хозирги кунда таълим жараёнида технология ва янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг инновацион усуллари ва шакллари, таълимнинг методик асослари, таълимнинг методлари ва услубияти каби тушунчалар қаторида технология манашу омилларнинг асосини такил этади. Таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларнинг мазмуни ва ўқув жараёнини ташкил этишдаги хусусиятларини ёритишда педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадлари, вазифалари, қўллашнинг методик асослари, ўқитишдаги фойдалали жихатлари ва таълим мақсадларига эришишдаги омиллари ва педагогик технологиялардан фойдаланишни бахолаш мезонлари каби омиллар тўғрисидаги мулохаза ва фикрларни киритиб ўтамиз.

Таълим жараёнида ўқитишнинг услубий асослари ва механизмларини такомиллаштиришда педагогик технологиялар ва улардан фойдаланишнинг алохида хусусиятлари ва таълимдаги тингловчиларнинг ўзлаштириш даражасини бахолашнинг омилларини келтириб ўтамиз. Бу ўз навбатида педагогик

технологияларнинг педагогик-психологик нуқтаи назардан такомиллашувининг асосий йўналишлари қуйидагилар билан ифодаланади:

1) Ёдлашдан эслаб қолиш функциясига ўтиш, яъни ўзлаштирилганини ишлатиш имконини берувчи ақлий ривожланиш жараёнига ўтиш.

2) Билимнинг ассоциатив статистик моделидан ақлий ҳаракатнинг динамик таркибий тизимларига ўтиш.

3) Ўртача талабага йўналтирилганликдан ўқитишнинг дифференциалланган ва индивидуаллаштирилган дастурларига ўтиш.

4) Талабанинг ташқи мотивациясидан ички маънавий иродали тартибга солинишга ўтиш.

Замонавий талимнинг ривожланиши ўқитишга қўйилаётган замонавий талаблардан келиб чиқиб, таълим муассасалаларида ўқувчиларнинг касб-хунар кўникмаларини шакллантириш ва касб-хунарнинг технологик даражасини тўғри етказиш ва мохиятини тушунтиришда ўз навбатида педагогик технология тушунчаси долзарблигича қолмоқда. Хорижий ривожланган Ғарб давлатлари таълимининг ишлаб чиқариш имкониятларини оширишдаги алохида илмий-тадқиқот ишлари режаларига киритилаётган йўналишлар сифатида таълим тизимини дастурларштирилган ахбоот технологиялар асосида ташкил этиш ва ривожлантириш масалаларини хисобланади. Хорижий давлатларда махсулотлар ва товарлар ишлаб чиқариш даражаларини ривожлантиришнинг фаолияти ва технологик даражасини дастурлаштирилган ахборот технологиялари бажаради. Ўз навбатида ривожланиш юқори махсулот ишлаб чиқариш хажмлари ўсиш динамикасидаги катта улушни технология вазифаси асосида юзага келтирилади. Ўзбекистонда дастурлаштирилган таълим технологияларига ўтишнинг вақт ва молиявий маблағлари ва мамлакатимизда махаллий ишлаб чиқариш имкониятларини ривожлантириш, инновацияларни излаш каби бир қатор масалаларни мавжудлиги миллий таълим жараёнларида таълим жараёнини педагогик технологик даражасини ривожлантириш ўқитишнинг методик асосларини ишлаб чиқиш ва ўқитишнинг назарий омилларини келтириш ўз навбатида педагогик технологиянинг мазмунини ёритишдаги асосларни

ифолайди.

Хозирги кунда педагогик технологиянинг зарурати ва ўқитишнинг юқори талабларини шакллантириш ва таълим мақсадаларига эришишдаги омиллардан бири сифатида технология тушунчасининг ўзга таъриф бериш ўз навбатида педагогик технология тўғрисидаги тушунчаларнинг мазмунини ёритишнинг бош вазифаларидан биридир.

Технология- бу бир ишда, маҳорат ва санъат қўлланиладиган усуллар йиғиндисидан иборат.

Педагогик технология-таълим шакли, усули, услублари, тарбиявий воситаларнинг махсус йиғилишини аниқловчи психологик-педагогик кўрсатмаларнинг мажмуидир.

Педагогик технология-бу ўқув жараёнини амалга оширилишининг сермазмун техникасидир. (Г. Беспальконинг тахнологиялари оид тадқиқотларидан)

Педагогик технология-ўқитишнинг режалаштирилган натижаларига эришиш жараёнининг тавсифларидир.

Технология- бу санъат, маҳорат ва қобилият, ишлов услубларининг мажмуидир. (Шепельнинг педагогик технологияга оид қарашларидан)

Педагогик технология-бу ўқув жараёнининг лойиҳалаштирилиши, ташкил этилиши, ўтказилиш бўйича барча тавсилотлари билан ўйлаб чиқилган жамоа педагогик фаолиятининг модели ҳисобланади. У талаба ва педагогларга қулай шароитлар яратиши шарт. (Монаховнинг педагогик технология тўғрисидаги фикрларидан)

Педагогик технология-бу таълим шаклларини оптимизациясини ўзига мақсад қилиб олган инсон ва техник ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш, қўллаш ва аниқлашнинг ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг услубларидир[1] (ЮНЕСКО)

Педагогик технология-педагогик мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган шахсий, интелектуал, услубий воситаларнинг амал қилиш

[1] Мамажонов И. “Бўлажак иқтисодчи-ўқитувчиларни тайёрлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш” Магистрлик диссертацияси. Т., 2001.

тартибидир. (Кларин педагогик технология тўғрисидаги мулохазалари)

Педагогик технология тушунчасига бир катор педагог олимлар томонидан турлича таърифлар берилган. Масалан, У.Толиповнинг “Педагогик технология: назария ва амалиёт” номли монографиясида куйидагича ифодаланганлигини келтириб ўтамиз.

Педагогик технология аспектлари.

Педагогик технология тушунчаси 3 аспектда намоён бўлиши мумкин:

1. Илмий аспект-педагогик технология педагогик фаннинг қисми сифатида таълим услублари, таркиби ва мақсадларини ишлаб чиқади ва ўрганади, ҳамда шу билан бирга педагогик жараёнларини лойиҳалаштиради.

2. Процессуал-тавсифий аспект - таълимда режалаштирилган натижаларга эришиш учун жараённи тасвирлаш, мақсад, таркиб, услуб ва воситалар мажмуидир.

3. Процессуал-амалий аспект - педагогик (технологик) жараённинг амалга ошиши, барча педагогик методологик (услубий), инструментал воситаларнинг амал қилиш.

Шундай қилиб, педагогик технология фан сифатида амал қилиб, таълимнинг янада рационал йўлларини тадқиқ этади.

Бу эса таълимда қўлланиладиган усуллар, тамойиллар ва регулятивлар тизими сифатида ҳамда таълимнинг реал жараёни сифатида бажаради.

«Педагогик технология» таълим тажрибасида 3 даражада қўлланилади:

1. Умумий педагогик даража:

Умумпедагогик (умумдидактик, умумтарбия) технология берилган ҳудуддаги таълим масканида таълимнинг маълум даражасидаги тўлиқ умумтаълим жараёнини тавсифлайди.

Бунда педагогик технологиянинг педагогик тизимида фарқлар мавжуд: унга таълим мақсадлари, таркиби, воситалари ва услубларининг мажмуи, жараёнда субъект ва объектларнинг фаолият алгоритми киради.

2. Қисман педагогик даража**:**

Предметли педагогик технология «қисман методика» тушунчасини

беради, фан доирасида ва таълим, услуб ва воситалар мажмуидир.

3. Чегараланган даража:

Чегараланган технология-таълим-тарбия жараённинг алоҳида қисмларини ифодалаб, хусусий дидактик ва тарбия масалаларини ечади. (фаолиятнинг алоҳида турларини технологияси, янги билимларни ўзлаштириш, материални назорат қилиш ва қайтариш технологияси)

Шунингдек технологик таркиблар фарқланади: Усуллар технологик занжирга бирикиб яхлит педагогик технология (техник жараён)лардир.

Технологик жадвал- технологик жараённинг шартли тасвири, унинг алоҳида функционал элементларига бўлиниши ва улар ўртасидаги мантиқий алоқаларнинг белгиланиши.

Технологик ҳарита- жараённи босқичма-босқич усулда ифодалаш, бунда мақбул бўлган воситалар кўрсатилади (график шаклда ифодаланади).

Технологик технологияларнинг тамойиллари ўқув жараёнидаги қонунийликни таъминлашнинг муҳим жихатларидан биридир:

- тизимлилик тамойилида педагогик технологияларнинг илмий асосдан шаклланган қоидалари ва маълум бир система тан олинган ва тегишил қоидани ўзида акс эттирувчи фаолиятда қўлланилишини айтиб ўтиш мумкин:
- узлуксизлик тамойилида педагогик технологияларни бир бирини тўлдиришни киритиш мумкин. Бу ишлаб чиқариш жараёнидаги ва таълимдаги педагогик технологияларнинг мазму ва шакл жихатидан боғлиқлигини ўзида акс эттиради.
- Илмийлик тамойилида педагогик технологиянинг фан назариясидаги маълум бир қонуниятга амал қилишини келтириб ўтиш мумкин. Масалан: ўқитишнинг ахборот технологияларида мультимедиа дастурлари асосида ўқув жараёни тасвирли гарафика асосида ташкил этилса, ишлаб чиқариш жараёнларида технологиялар системалашган ва дастурлаштирилган ишлаб чиқаришни ўзида акс эттиради.

Педагогик технология пайдо бўлгунча қадар таълим тизими доирасида

таълим жараёнини етарли самарали лойиҳалаш қоидаси ишлаб чиқилмади. Педагогик технологиянин ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига кафолати эришишда ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзаликда эмас, балки режалаштирилган натижаси олиш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташҳисли текшириш, таълимни алоҳида ўргатувчи қисмларга бўлиб ташлаш ўқув жараёнининг қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиш цикли ғоясига бирлаштириш имконини беради. У асосан ўз ичига қуйидагиларни олади.

– таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
– тўзилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
– педагогларнинг билим даражаларини дастлабки баҳолаш;
– бажариладиган ўқув ишларни мажмуаси;
– натижани баҳолаш.

Шу боисдан таълим жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилиши ўқитишнинг модулли тизимини шакллантириша асос бўлди. Бундан кўринадики, ўқув жараёни «модулли» кўринишга келиб, турли мазмун билан тўлдирилган, умумий тизимга мос ҳолда ишлаб чиқариладиган блоклар қисмлардан иборат.




1.1.1-схема: Ўқитиш технологиясининг тузилиши

Ўқув жараёни педагогик технология асосида ташкил этишнинг режалаштиришда педагогдан юксак малака талаб этади, материаллар тайёр бўлгач, педагог асосан ташкилий ва консультатив вазифаларни бажаради. Умумий

кўринишда педагогик технология таркибига қуйидагилар киради:

– фаннинг идентификациялашган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш;
– ўқув мақсадли шажараси;
– ўқув мақсадларини назорат топшириқларига айлантириш;
– мақсадга эришиш усуллари;
– эришилган ўқув мақсадларини баҳолаш.

Умумлашган педагогик технологияларнинг таълим жараёнини ташкил этишдаги асосий омили ва хусусиятидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш имкониятлари, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланиши қўлланилмоқда. Замонавий технологик мутахассис бўлиш учун таълим технологияларининг барчасини, шу жумладан педагогик компонентларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозим.

Ўз навбатида педагогик технологияларни таълимнинг касбий малака ва кўникмаларини шакллантиришдаги эришилган натижалари қаторига ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини бизнес лойиха асосида шакллантириш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини яхшилаш асосига иқтисодий соханинг маълум носоғлом тармоғини ривожлантиришдаги кадрлар етиштириш, ахолини иш билан таъминлашдаги кичик бизнес ва микроиқтисодий хўжалик фаолиятини ташкил этиш, мамлакат иқтисодий салохиятини оширишнинг ва молиявий барқарорлигини таъминлаш имкониятларини яратилиши, таълимда малакали кадрлар етиштириш тизимини оптимал вариантларини шакллантиришдаги алохида методик воситалар мажмуи сифатида эътироф этилиши, мамалакатнинг ишлаб чиқариш тизимиларидаги иқтисодий фаолиятни дастурлаштирилган технологияларини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришнинг омилларида кўринади. Умумий жихатлардан келиб чиқиб, технология тушунчасини фан ва илмий тушунчалар мохиятини ёритишдаги педагогик технология сифатида ўрганишда ва мохиятини ёритишда таълимнинг ўқитиш усуллари ва ўзлаштииш даражасини яхшилашнинг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида педагогик технологиялар ва улардан

фойдаланишнинг эришиладиган натижалари ва холатларидан келиб чиқиб, педагогик технологиялардан фойдаланиш натижасида ўзлаштирилиши лозим бўлган фан материалининг мазмунини тўлиқ ўзлаштириш имконияти яратилади.

Таълим жараёнида ўқитиш технологияларининг турлари қуйидаги:

Қўлланилишига кўра технологияларни уч синфга ажратилади:

а) умумий педагогик технологиялар;

б) хусусий педагогик технологиялар;

в) кичик педагогик технологиялар, моделлар;

Фалсафий жиҳатдан технологиялар:

а) материалистик;

б) идеалистик;

в) илмий;

г) диний;

д) гуманистик;

е) мажбурий.

1.1.2-Чизма: Янги педагогик технологияларнинг классификацияси

Педагогик технолоигяларнинг психик ривожланиш омили бўйича:

а) биоген, яъни инсоннинг жипсланган ривожланишига таъсир кўрсатувчи технология; бу технология асосан жисмоний тарбия каби фанларда қўланилади.

б) социоген, яъни шахснинг социологик онгини ривожлантиришга қаратилган технология, бўлар қаторида жамиятшунослик, ҳуқуқшунослик, социология, сиёсатшунослик каби фанларни санаб ўтиш мумкин.

в) психоген, яъни инсонинг психологик ривожланишига таъсир кўрсатувчи технология; булар жумласига психология, этика, эстетика, маънавият, руҳият, диншунослик каби фанларни киритишимиз мумкин.

Илмий тажрибани ўрганиш бўйича:

а) рефлексив, яъни айрим тажрибаларнинг шартли рефлекс тарзида ёки одатий ҳолда бир авлоддан иккинчисига ўтиши;

б) ривожлантирувчи, яъни олдингилар тажрибаларини умумлаштириб, ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, мавжуд технология билан уйғунлаштириш;

в) гештальт, яъни технология талабанинг ҳис туйғуларини қамраб олади;

г) бихевиористик, бу технология талабаларнинг ташқи ҳатти-ҳаракатларига асосланган бўлади.

а) ахборот технологиялар (билим, малака, кўникмани шакллантиришга қаратилган технология);

б) операцион технология (фикрлаш малакасини шакллантиришга қаратилган технология);

в) эстетик-аҳлоқий технология.

г) бошқарувчилик хусусиятини шакллантирувчи технология;

д) эвристик технология (ижодий ёндашувни шакллантирувчи технология);

е) амалий ҳатти-ҳаракатларни шакллантирувчи технология.

Педагогик технологиялар ўқитишнинг таълим мақсадларига эришишидаги омиллардан бири бўлибгина қолмасдан таълим жараёнида фойдаланишнинг инсон психолоигяси ва дунёқариши ва онгини холатига ва характерига мос равишда фойдаланишнинг қоидаларининг мавжудлигини келтириб ўтиш мумкин. Бу ўз навбатида техногиянинг таълим, ишлаб чиқариш, ижтимоий соха бўладими алохида мақсадга қаратилган жараёнларнинг хусусиятларига қараб қўллашнинг муҳим жихатларини ўзида акс эттиради.

## 1.2 Таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг услубий асослари

Таълим жараёнида замнавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ўқув жараёни ва сохаларга етиштирилаётган кадрларнинг малакасини ривожлантиришнинг муҳим омиллари қаторига киритилаётган асосий масала педагогик технологиялар асосида таълим машғулотларини ташкил этиш масаласидир. Ўз навбатида педагогик технология фойдаланишнинг стандар талаблари асосидагина педагогик технология сифатида эътироф этилади ва ўқитишнинг усули сифатида қаралади. Педагогик технологияларнинг таълим жараёнида ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитишнинг асосий омилларидан бири сифатидаги фойдали томонлари бў педагогик технологиялардан фойдаланишнинг услубий асосларини киритиш мумкин. Хозирда таълимнинг ахборот базасини яратиш ва истиқболда ўқитишнг ахборот техник таъминоти ва маълумот базасини стандарт талаблар асосида шакллантириш масалалари қаторида таълимнинг ўқитиш усуллари ва методик услубий кўрсатмаларини ишлаб чиқиш масаласи алохида киритилмоқда. Шу билан бирга таълим жараёнида ўқитишнинг умумэътироф этилган ўқитиш технологиялари ва турлари қаторига педагогик етхнологиялардан фойдаланишнинг услубияти ва методик масалаларини киритиб ўтамиз. Умумий олганда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг мезонларини келтириб ўтамиз . Ўз навбатида касб-хунар таълимининг амалий натижалари ва кўрсаткичлари мисолида педагогик технолоигялардан фойдаланиш услубиятини келтириб ўтиш ўқитишнинг талаб даражасидаги таъминотини яхшилашнинг омилларидан бири сифатида эътироф этилади. Ўқитишда ва ижтимоий ёки иқтисодий фанлардан дарс машғулотларини ташкил этишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг услубий асоалари картаси:

| | |
|---|---|
| Дарс машғулотининг мазмуни ва аудитория соати | Иқтисодий фан машғулотининг мавзуси. Дарс машғулотида кўриладиган масалалар, иқтисодий жараёнлар ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг мавзуга оид материаллари ва ахборот маълумотларини келтириб ўтиш мумкин. Бунда ўқитишнинг асосий мазмуни ва дарс машғулотларини ташкил этишнинг услубий асослари келтирилиб ўтилади. Иқтисодий фан машғулотини ўқитишнинг мақсади,вазифалари, натижалари, иқтисодий фан машғулотига оид назарий ва амалий таклифларни бериш ва тушунчаларнинг мазмуни ёритилади. |
| Маъруза режаси | Иқтисодий фан материалинниг мазмунини ифодаловчи режалар параргрифларда акс эттирилади. Иқтисодий фн машғулотларига оид режалар ва унинг педагогик технологияси танланади. Масалан 1-режада корхона хақида тушунча. Педагогик технологиясини танлашда Ўзбекистон Республикасининг корхона ва ташкилотлари фаолиятига оид кластер технологияси асосида ва жадвал маълумотлари келтирилади. Хамда ақлий хужум технолоигясидан фойдаланилади. 2-режага кўра. Корхоналар турлари ва уларнинг мазмуни. Республикамизда корхоанларнинг турлари ввер технологияси, инсерт методи, ахборотли статистик тахли хамда анализ методлари киритилади. 3-режа бўйича корхоналар фаолиятини ривожлантиришнинг асослари ва йўналишлари ёритилади. Масалан. Кейс-стади технологияси орқали Республикамизда корхоналар фаолиятини ривожлантиришнинг муаммоли технологик картасидан фойдаланиш киритилади. |
| Ўқитиш усуллари | Маъруза, намойиш, блиц-сўров. Савол-жавоб, фикрлар хужуми. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска. Мултимедиа дастурлари асосида проектор, компьютер воситалари. |
| Ўқитиш шакллари | Фронтал, коллектив иш, жамоа тарзида, гуруҳлараро. |
| Ўқитиш шароити | Проектор, компьютер, иқтисодий фанларни ўқитишга ихтисослаштирилган аудитория ва иқтисодий маълумотномалар |
| Адабиётлар | 1. И.А.Каримов. "Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби".Т.,1997<br>2. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури" .Маърифат,1997 й.<br>3. Иқтисодий статистик тўплам маълумотлари.<br>4. Корхоан хўжалик фаолиятини ривожлантиришга оид меъёрий хужатлар тўплами<br>5. Республикамизда тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятини ривожлантиришга оид қонун хужжатлари киритилади. |
| Ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари ва инновацион усулларидан фойдаланиш даражаси | Иқтисодий фанларни ўқитишда кластер, веер технологияси, инсерт, фикрлар хужуми, статистик таҳлили, анализ, индукция, дедукция методлари киритилади. Иқтисодий фанларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш натижасида иқтисодий фанларни ўзлаштиришга доир мезонлар ва самарадорлик натижалари таҳлил қилинади. Бунда ўқувчиларнинг ўзлашттириш даражаси, тест технологияси, лойихалаштириш усуллари киритилади. |

1.2.1-Жадвал: Таълимда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг методик ва услубий асослари

Таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш асосида ўқитилаётган материалнинг ўзлаштириш даражаси ва фан машғулотини ўқиш натиасида эришиладиган холатлар ва самарадорлик натижалари таҳлили қилинади. Ўз навбатида фан машғулотини педагогик технология ва анъанавий таълимнинг дарс машғулотларини ўтишдаги фарқлари солиштирилади. Бундан чиқарилган хулосалар педагогик технологияларни дарс машғулотларидаги фойдаланиш зарурати ва таълим жараёнидаги фойдаланилмаслик холатлари таҳлил қилинади.Педагогик технологияларни дарс машғуотларидаги фойдаланиш зарурати ва қўлланилишнинг ахамиятини ифодалашда қуйидаги мезонлар киради:

1. Дарс машғулотига мос педагогик технология ва унинг тури. Мсалан иқтисодий фанларни ўқитишга оид педагогик технологияда кластер методи билан ижтимоий фанларни ўқитишдаги клатер методининг ахамияти ва фарқли томонлари мавжуд. Шу боисдан фан машғулотининг илмийлиги ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига боғлиқлигини инобатга олиб педагогик технологиялардан фойдаланиш масаласи кўрилади ва педагогик технология тури танланади.
2. Ўқитишнинг услубий асослари. Бунда педагогик технология дарс машғулотларининг маъруза, семинар, лаборатория ишлари, тажриба синов дарслари кабилардаги фойдаланиш услубий асослари кўрсатилади. Масалан кимё фанининг педагогик технологияси жадвал ва графикли ва молекулаларнинг тасвирини кўришга қаратилган ахборотли усул. Бунда моддаларнинг кимёвий хоссалари мониторда кўрсатилади. Иқтисодий фанларни ўқитишга оид технологияларда эса дарс машғулотининг мавзу мохиятидан келиб чиқади. Педагогик технология тури танланади.
3. Ахборот базаси. Таълим араёнига оид педагогик технологияларнинг илмий ва ўқув адабиётлари ва дарс машғулотида педагогик технологияларга оид адабиётлардан фойдаланишнинг маълумотлар базаси киритилади. Масалан. Н.Хўжаевнинг “Педагогик технологиялар” ўқув қўлланмасида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг услубий асослари ва қайси фан машғулотини ўрганишда ва дарс машғулотини тўғри етказишда педагогик

технологик даражаси инобатгаолинади. Шу боисдан ахборот базаси таркибига киритилаётган материаллар қаторида педагогик технологияларга оид янгиликлар, ўқитишнинг методик асослари ва бошқа турдаги таълимнинг технологик ва услубий асослари кўрсатилиб ўтилади.

4. Педагогик технология самарадорлигини мезонлари. Бунда ўқитиладиган фан материалининг қўлаш натижасида ўзлаштириш даражаси ва ўқитишнинг ўзига хос томонларини ёритиш ва самарадорликка эришиш ва бошқа камчиликларини ёритиш омиллари кўрсаткичлар ва формулалар ёрдамида таҳлили қилинади. Масалан. Иқтисодий фанларни ўзлаштириш даражаси, дарс машғулотининг унумдорлик даражаси, психологик таъсир кўрсаткичи каби педагогик технологиянинг заруратини ифолаловчи мезонлари кўрсатилади.
5. Таълимнинг ишлаб чиқариш билан бошлиқлигини кўрсатувчи педагогик технология даражаси. Бунда таълим технологияси малакали мутахассисларни етиштиришдаги алохида ва ишлаб чиқариш корхоналарига тайёрлашнинг омиллари ва фойдали томонлари киритилади. Ўз навбатида педагогик технология ўқитишнинг такомиллашган вариантлари сифатида корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнлари ва технологик холатини ўзида акс эттируви кадрларни амалиётини самарали ташкил этишнинг омили сифатидаги натижалари солиштирилади.

Таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг услубий асослари ва йўналишлари қаторига педагогик технологияларни таълим мақсадларига эришишдаги натижа ва эришиладиган холатларни кўрсатиб ўтиш педагогик технолгиянинг натижавийлигини ифодалайди. Қуйидаги чизмадан педагогик технология натижавийлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.






1.2.2-Чизма: Таълимда педагогик технологиялардан фойдаланишда малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг самарадорликка эришиши натижаси.

Таълим жараёни сифатини ва мазмунини бойитишнинг асосий омилларидан бири сифатида ўқитувчининг малакаси ва педагогик махорат даражасидан ташқари таълимда педагогик технологиялар келгусида малакали кадрлар тайёрлаш ва сифатининг самарадорлик натижаларини қайд этишнинг муҳим жихатларидан бири сифатида эътироф этилади.

Таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва дарс машғулотларини замонавий таълимнинг ва иқтисодий жараёнлар талабларидан келиб чиқиб ташкил этиш ўз навбатида

таълимни лойихалаштирищдаги педагогик технологияларнинг ахамиятини ёритади. Шу боисдан хозирги шароитда таълимда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг услубий асосларини янгича талаблар асосида шакллантиришда қуйидаги омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Таълимда педагогик технологиялардан фойдаланишни модулли тизими ва унинг технологик кўриниши




1.2.3-Чизма: Педагогик технологиялар асосида малакали карлар тайёрлашнинг модулли тизимининг технологик картаси.

2. Педагогик технологиялар асосида замонавий ўқитишни ташкил этишнинг методик асослари ва мезонлари

| | |
|---|---|
| Педагогик технология мазмуни | Таълимнинг ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналишалри ва ўқитишнинг шакллари |
| Педагогик технологиядан фойдаланишнинг режаси | Таълим жараёни сифатини оширишга қаратилган ишлар |
| Ўқитиш усуллари | Маъруза, намойиш, блиц-сўров. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска. |
| Ўқитиш шакллари | Фронтал, коллектив иш |
| Ўқитиш шароити | Проектор, компьютер |

Жадвал: Педагогик технологиялар асосида ўқитишни ташкил этишнинг услубий асослари ва механизмлари.

## 1.3 Таълимда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишни бахолаш мезонлари

Таълимда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг услубий асослари ва механизмларидан келиб чиқиб, таълимда ўқитишнинг технологик имкониятларини оширишнинг йўналишларида дарс машғулотларида педагогик технологиялардан фойдаланиш даражасини бахолашнинг мезонларини киритиш ўз навбатида таълимда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлиги ва камчиликларини бартараф этишдаги хулосаларни шакллантиришнинг муҳим жихатларидан биридир. Шу боисдан таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг бахолаш мезонларига киритилган ўқувчиларнниг ўзлаштириш даражаси, педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси, ахборот техник воситаларни ишлатиш ва таъминланганлик даражаси каби кўрсаткичлар киритилади. Ушбу мезонлар ёрдамида таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг афзалликларини ва таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион хамкорлигини ва боғлиқлигини таъминлашнинг алохида жихати сифатида қаратилади.

1. Ўқувчиларни ўзлаштириш даражасини бахолаш кўрсаткичи.

$$\sum = \frac{\sum \alpha - дастлабкинатижа}{\sum \beta - ўкувжараёниякуни} * 100\%$$

Ушбу кўрсаткич таълм муассасалари ўқувчиларининг анъанавий таълимдан ноанъанавий таълим араёнига ўтиш ва дарс машғулотларини маълум бир муддатдаги фанлардан ўзлаштиришни бахолаш кўрсаткичи хисобланиб, бу ерда $\sum \alpha - дастлабкинатижа$ -коллеж ўқувчиларининг педагогик технологиялардан фойдаланишда бир ўқув семестридаги холат ва кўрсатган натижалари киритилиб, бу ўқувчиларнинг олдинги дастлаб ўқув жараёни бошидаги билим даражаси хисобланади. $\sum укувжараёниякунинатижаси$ -ўқувчиларнинг ўқув жараёни охирида стандарт бўйича эгаллаши лозим бўлган билимлари даражасини ифожалайди. Кузатиладиган натижада ўқувчиларнинг маълум бир муддатда ўқувчиларнинг фан

машғулотларини ўзлаштириш даражалари педагогик технологиялар асосида ташкил этилган фанлардан маълум бир  муддат ўтгандан кейинги холатдаги кўрсатган натижаларига нисбати олинади. Бунда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси 50дан камайса демак, ўзлаштиришнинг стандарт натижасига етишнинг даражаси ёмонлигини характерлайди. Шу боисдан ушбу кўрсаткич коллежда ўқувчиларнинг дарс машғулотларини ўзлаштириш даражаларини бахолаш ва таълим ихтисосликларига нисбатан хулоса ва таҳлил натижаларини киритиш имкониятини юзага келтиради.

2. Фан машғулотларид замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси кўрсаткичи:

$$\sum = \frac{\sum\alpha - \sum\beta(бошлангич - якуний)}{\sum\chi(Умумийнатижа)} * 100\%$$

Кўрсаткич таълим жараёнида фан ўқитувчисининг ўз мутахассислик ёки ихтисослик фанидан янги педагогик технологиялардан фойдаланиш холатини ифодаловчи кўрсаткич сифатида эътиоф этилади. Бунда формуланинг суръатидаги натижа фан ўқитувчисининг бошланғич дарс машғулотларида педагогик технологиялардан фойдаланиш даражасидан кейинги педагогик технологиялардан фойдаланиш даражасини айрилади. Чиққан натижа умумий коллеж ўқитувчисининг стандарт педагогик технологиялардан фойдаланиш умумий натижасига нисбати олинади. Корхона хўжалик фаолиятида мехнат унумдорлигини аниқловчи кўрсаткич сифатида корхонада ишлаб чиқарилган махсулот ва хизматлар хажмини корхона ишчилари сонига нисбати олинади. Шу каби коллежда фан ўқитувчисининг фанлардан педагогик технологиялардан фойдаланиш даражасини аниқловчи ва дарс машғулотининг сифатини бахоловчи мезон сифатида эътироф этилади.

3. Фан машғулотининг сифат хажми кўрсаткичи.

$$\sum \alpha = \sum\alpha + \sum\beta + \sum\varphi(Натижа)$$

Кўрсаткичнинг иқтисодий ахамияти коллеж ўқитувчисининг дарс машғуотларини ўтишидаги ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш омиллари, индивидуал методик

омиллари йиғиндиси асосида дарс машғулотлари ёки ўқитувчининг умумий натижалари киритилади. Ўз навбатида ўқитишнинг таълим мезонларини кўрсатувчи омилларидан бири бу ўқитувчиларнинг педагогик махорат даражаси киритилади.

4.Коллежда фанлардан замонавий педагогик технологияларни қўллаш натиасида ва анъанавий таълим технологияларини қўллаш натижасида эришиладиган холатларнинг гуруҳ аудитория шароитидаги таҳлили кўрсаткичи. Кўрсаткичнинг технологик кўриниши қуйидагича олинади.

| № | Ўқувчилар сони | 1-гуруҳ | 2-гуруҳ | 1-гуруҳ натижаси | 2-гуруҳ натижаси | Фарқи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 30 | 15 | 15 | 42% | 73% | 31% |
| 2 | 25 | | | | | |
| 3 | 30 | | | | | |
| n | 25 | n | n | n | n | n |

1.3.1-жадвал: Педагогик технология асосида ўқитилган гуруҳ ўқувчиларининг ўзлаштиииш даражаси натижалари

Ушбу кўрсаткичнинг амалий ахамияти  жадвал ичидаги рақамлар тахминий берилган лекин 1-гуруҳнинг анаънавий таълим машғулотларини ўтилишида эришилган натижалар. 2-гуруҳда замонавий педагогик технологиялар асосида ўтилган дарс машғулотининг натижалари мавжуд

Ушбу кўрсаткич иккита гуруҳнинг замонавий педагогик технологиялар асосида дарс машғулотини ўтишдан эришиладиган натижалари ва анъанавий таълим машулотларини ўтишдан эришилган натижалари солиштирилади. Ушбу натижалар солиштириш натижаларидан гуруҳларда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг зарурати ва қўллашнинг амалий ахамияти, педагогик технологиялардан фойдаланишнинг камчиликлари гуруҳлардаги қўллашнинг янги самарадорлик жихатлари келтирилиб ўтилади.

Хозирги кунда замонавий таълимнинг кенг имкониятларидан фойдаланиш ва ўқитишни замонавий талаблар асосида ташкил қилишда педагогик технологияларидан фойдаланшга нисбатан талабларни

шакллантирмоқда. Шу билан бирга таълимга нисбатан ишлаб чиқаришнинг технологик талабаларини қўйилиши ишлаб чиқариш жараёнини дастурлаштирилган технологиялар асосида шакллантиришнинг ва юқоридаги бобларда таъкидлаб ўтилган таълим тизимининг дастурлаштирилган технологияларини шакллантириш масалалари хал этилади.

Илмий-тадқиқот ишининг касб-хунар таълимида ўқувчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўтилаётган ўқув режалари фанларининг мазмунини ўрганиш ва касб-хунарнинг инженеринг хизматарини ташкил этиш қоидаларини ўрганишда ўз навбатида таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг механизмлари ва мезонларини ўзида акс эттирмоқда.

Ушбу кўрсаткичлардан эришилган натижалар қаторига хозирги кунда ахборот технологияли таълимнинг харажатларини камайтириш ва махаллий шароитларда ўқитишни ташкил этиш ва кам харажатли технологиялардан бири сифатида таълим жараёнининг илмий асосдан ташкил этиш ва ўқтишнинг технологиялаштиришдир. Шу билан бирга ишлаб чиқариш корхоналарига етарлича малакали мутахасисларни етиштиришдаги иқтисодий билимларни ва иқтисодий тизим тўғрисидаги тушунчаларни ўрганишнинг алохида муҳим жихатларидан бири сифатида эътироф этилади.

## II БОБ УЛУҒНОР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОЛЛЕЖИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

### 2.1 Коллеж таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг мазмуни ва йўналишлари

Ўзбекистон Республика Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги Андижон вилояти хокимлиги ўрта махсус таълими бошқармаси Улуғнор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 23 сентябрдаги № 406-сонли қарорига асосан 1999 йилда Улуғнор қишлоқ хўжалиги лицейи Улуғнор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежига айлантирилди.Ушбу коллежи 640 ўринга мўлжалланган. Коллежда 10 ҳил йўналиш бўйича мутахасссислар тайёрланади. Коллежнинг умумий ер майдони 6 гани ташкил этади. Ўқув тажриба хўжалиги 16.7 га, буғдой 8.2 га, пахта 8.5 га майдонни ташкил этади. Коллежда қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади:

1.Қишлоқ хўжалиги машиналари ва жихозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш. Касби: қишлоқ хўжалик техникаларии таъмирлаш бўйича чилангар, тракторчи, электргазпайвандчи, “В” ва “С” тоифали автомобил хайдовчиси

2.Ўсимликшунослик бўйича фермер хўжалигни ташкил этиш ва юритиш. Касби: узумчи, мевасабзавотчи, тракторчи, пахтакор, “В” тоифаи автомобил хайдовчиси.

3.Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналиши. Касби: Автотранспорт воситаларига т.х.к ва таъмирлаш бўйича чиланган, автотранспорт электр жихозларини таъмирлаш бўйича электрик “В” ва “С” тоифали автомобил хайдовчиси.

4.Агрономия. Касби: ўсимлик шунослик, мевасабзавотчи, биохимлаборант, “В” тоифали автомобил хайдовчиси.

5.Бухгалтерия иши. Касби: Бухгалтер-аудит, бухгалтер-иқтисодчи.

6.Тикувчилик ишлаб чиқариш. Касби: кенг ассортиментдаги кийимлар, бичувчи, андозачи.

7.Информатика ва коммуникацион технологиялар . Касби: компьютер тармоқлари ассистенти, ЭХМ оператори.каби ихтисосликлар ва мутахассисликларни етиштириб чиқаради. Коллежнинг умумий касб-хунар сохалари усталарини

етиштиришдаги салохиятини таъминлашда ўқув жараёнининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги ихтисослик фанлари, мутахссислик фанлари ташкил этади. Улуғнор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи хақидаги умумий маълумотлар:

| № | Ўқув юрти номи | Жойлашган худуди | Умумий майдони | Экиладиган майдонлари | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Улуғнор КХКХ | Оқ том қишлоғи | 5.0 га | 0.40 га | | |
| | Коллежнинг бино ва иншоатлари хақидаги маълумотлар | | | | | |
| 2 | Ўқув ўрни | Ётоқхона ўрни | Ўқув хоналари сони | Спорт зал | Ошхона | |
| | 640 | 210 | 41 | 1 | 1 | |
| | Коллежнинг ўқув-тажриба хўжалиги тўғрисидаги маълумотлар | | | | | |
| 3 | Жами ер майдони | Экин майдони | Пахта майдони | Ғалла майдони | Ишчилар сони | |
| | 19.6 | 16.7 | 8.5 га | 8.2 га | 4 нафар | |

Коллежнинг ўқувчилар сони тўғрисидаги маълумотлари

| | Гуруҳлар сони | | | Жами ўқувчилар сони | Шундан | | Курслар бўйича ўқувчилар сони | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4 | 1-курс | 2-курс | 3-курс | | Ўғил бола | Қиз бола | 1-курс | 2-курс | 3-курс |
| | 11 | 11 | 11 | 886 | 510 | 376 | 285 | 285 | 316 |

| 5 | Коллеж ўқиувчиларининг ёши бўйича ўқувчилар сони тақсимоти | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 14 ёшгача ва ундан кичик | 15 ёш | 16 ёш | 17 ёш | 18 ёш | 19 ёш ва ундан катта | Жами |
| | - | - | 274 | 296 | 296 | 21 | 886 |

| 6 | Коллежнинг амалиёт жараёни тўғрисидаги маълумотлари | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2011 йил 2-3 босқич амалиётга чиқувчилари | Шундан қишлоқ хўжалиги йўналишида | 3-босқич битирувчи | Шундан ўғил ва қизлар | | Уч томонлама шартномалар сони | Шундан 30%лик иш хақи билан таъминланганлик |
| | 601 | 335 | 316 | 181 | 135 | 309 | 222 |

| 7 | Коллежнинг мухандис-педагог ва таълим усталари тўғрисидаги маълумот | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами ходимлари сони | Хозирги кунда мавжуд | | Хозирги кунда қўшимчи эхтиёж | | Бошқа ходимлар |
| | | Умумтаълим, махсус ва умумкасбий фан ўқитувчилари | Касб-хунар таълим усталари | Умумтаълим, махсус ва умумкасбий фан ўқитувчилари | Касб-хунар таълими усталари | |
| | 129 | 51 | 9 | 2 | - | 72 |

| 8 | Коллежнинг кутубхона фонди хақидаги маълумотлар | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Адабиётлар тури | Нечта | Жами сони | Кутубхона фонди холати | | | |
| | | | | Тиллар ва ёзув бўйича | | Ўтган ўқув йилида неча китоб олинди | |
| | | | | Ўзбек | Кирилл | | |
| | Умумтаълим фанлари бўйича дарсликлари | 58 | 2062 | 1274 | 788 | | |
| | Махсус фанлар | 117 | 3011 | 1928 | 1083 | | |
| | Бадиий адабиётлар | | 988 | | 988 | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Қўлланмалар | 16 | 586 | 372 | 214 | |
| | Рангли плакатлар | 15 к | 22 | | 22 | |
| | Мултимедиа дарсликлари | 15 | 34 | 34 | | |
| | Жам | | 6703 | 3608 | 3095 | |

2.1.1-Жадвал: Улуғнор қишлоқ хўжалиги коллежи ўқув жараёни фаолиятига оид маълумотлари.

Улуғнор қишлоқ хўжалиги коллежида ўқув жараёнини ташкил этилиш холати ва дарс машғулотларини тегишли йўналишалр бўйича ташкил этиш масалалари ўз навбатида коллежнинг кишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш ва ихтисосликларига талаблар асосида амалага оширилади. Шу боисдан коллежда педагогик технологиялардан фойдадалнишнинг холати ва таълим жараёнини ташкил этишнинг меъёрий асослари қуйидаги омиллар асосида ташкил этилади:

1.Ўсимликшунослик ва фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш бўйича мутахассислик йўнали. Мутахассисликнинг ДТСлари ва ўқув режа ва дастурлари. Биология ва ўсимликшунослик малакали педагогик кадрлари билан биргаликда. Коллежда биология атамалар луғати, ўқув адабиёти кўргазмали материаллар, проектор, кадаскоп, компьютер воситалари ва ускуналари. Ўқитувчининг дарс машғулотларини ташкил этишдаги фермер хўжаликлари фаолиятига оид меъёрий хужжатлари, фермер хўжаликларини ташкил этишнинг кўргазмали материаллари ва йўриқномалари асосида ташкил этилади.

2.Агрономия мутахассислиги бўйича вилоят ва Республиканинг қишлоқ ва сув хўжалигини ташкил этишга доир анимацион материаллар, тарқатма материаллар, ўқув адабиётлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи агрономия хўжаликлари ва бирлашмалари фаолиятига оид матуриаллар дан дарс машғулотларида индукция, дедукция, солиштирма таҳлил, анализ методлари асосида ўтилади. Шунингдек дарс машғулотлари коллежда агрономия мутахасислари бўйича бирикмаларнинг кимёвий хоссалари ва уларнинг хўжаликлардаги махсулотлар етиштириш даражаларига таъсири каби омиллар асосида ташкил этилади.

3.Автотранспорт воситаларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш мутахассислигининг педагогик етхнология ўқитиш тизими коллеж ўқитувчиларининг мухандис ходимлари ва кадрлари томонидан ташкил этилган тажриба-синов лабораторияларида ташкил этилади. Хар бир транспорт қурилмасининг автоматик схемаси анимацион проектори мавжуд бўлиб, асосан ўқувчиларнинг дарс машғулотларидаги ўзлаштириш даражасини оширишнинг муҳим омилларидан бири сифатида эъироф этилади. Педагогик технологиялардан фойдаланишнинг транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш бўйича коллежда ўқув устахона мавжуд бўлиб асосан ўқувчиларнинг машина ва жихозларнинг материалалари ва уларнинг тайёрлаш агрегатлари бўйича тегишли видеороликлар ва уларнинг электрон каталоглари асосида дарс машғулотлари ташкил этиб келинмоқда.

3.Бухгалтерия хисоби мутахассислиги бўйича дарс машғулотларини педагогик технологик таъминоти масалаллари коллежда ўқувчиларнинг хўжалик хисобини юритишнинг бухгалтерия хисоб юритиш қоидалари ва йўриқномалари асосида ташкил этилади. Коллежда ушбу мутахассисликка хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотлардан мутахасис-ходимларнинг ташриф буюришлари корхона хисобини юриишга оид бир қатор тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг ахамиятини ифодалайди.

4.Тикувчиик ишлаб чиқариш устаси мутахассислиги бўйича дарс машғулотларининг инновацион усуллари тикувчилик устахонасида ташкил этилади. Хар бир кийим-кечакларнинг тикилиш технологик жараёни эскизи компьютер графикаси асосида ўқитишни ташкил этиш ва тикувчи уста дарс машғулотлари асосида ташкил этилади. Шу боисдан тикув буюмлари технологияси бўйича олий таълим муассаларининг енгил саноат махсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни технологик жараёнларини лойихалаштириш ва процесс бўйича тегишлаи электрон адабиётлари ва ўқитишнинг технологиялаштирилган материаллари келтирилган.

5.Қишлоқ хўжалиги механизацияси мутахассисликлари бўйича қишлоқ хўжалиги ерларида махсулот етиштиришдаги транспорт ва механизация воситаларидан

фойдаланишнинг методик асослари ва тажриба –синов асосида дарс машуғлотлари ташкил этилади. Коллежда ушбу мутахасислик бўйича дарс машғулотлари коллежда ташкил этилган ўқув-тажриба устахонасида ташкил тилиб, ўқувчиларнинг механизация воситаларидан фойдаланиш бўйича материаллари ва трактор қисмларининг макетлари асосида ўқитиш ташкил этилади.

6.Информатика ва ахборот технологиялари мутахассисликлари бўйича дарс машғулотлари коллежнинг лингафон хонасиа ташкил этилган курслар асосида олиб борилади. Ахборот технологиялари мутахассислигининг ўқув тажриба синов лаборатория хонасида компьютер воситалари, мултимедиа дастурий таъминоти, видеопректор, кадаскоп, телевизор ва Microsoft office дастурлари киритилган ўқув лаборатория машғулотлари ташкил этилмоқда. Коллежнинг ахборот технологиялари мутахассисликлари бўйича дастурга киритилган асосий жараён сифатида интернет технологиясидан фойдаланиш ва жойларда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ташкил этишда ахолига хизмат кўрсатиш ва сервис сохасининг расмлар чиқариш, аудиофотоалбомларни тайёрлаш, Улуғнор туманининг чўлли худудлигин инобатга олиб худудда ахборот технологиялар асосида ахолининг шахар имкониятларидан фойдаланишларидаги узоғини яқин қилишга қаратилган бизнес фаолиятига йўналтирувчи лойихаларини ишлаб чиқиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

7.Электромантаж уталари мутахассисликларида ўқувчиларнинг ўз касбий ихтисосликларини чуқур эгаллашларидаги колежда ташкил этилган электромотаж устахонаси ўз дастурий қув режаларига эга. Ўқув жараёни ўқувчиларнинг шахарсозликнинг канализация тармоқлари ва оғирсаноат сохалари тармоқларида монтажчи мутахасислар сифатида фаолият олиб борадилар. Бунда коллежнинг ўқув тажриба устахонаси фондини монтаж жараёни ва электрмонтажни ташкил қилишнинг видеороликлари ва аудиопроекторлари асосида дарс машғулотлари ташкил этилмоқда. Коллежнинг ўқув жараёни имкониятларини оширишда ушбу сохани ривожлантиришда инсон саломатлигини ва хавфсизлиги масалаларига доир техника хавфсизлиги талаблари ишлаб чиқилган бўлиб, коллежда

ўқувчиларнинг тегишли маълумот ахборот олишларидаги омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Улуғнор қишлоқ хўжалиги коллежининг мутахасисилар тайёрлаш салохиятини аниқлашдаги ихтисосликлар бўйича дарс машғулотларини замонавий педагогик технологиялар асосидаги технологик харитаси:

| | |
|---|---|
| Автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш мутахассислиги бўйича дарс машғулотлри | Дарснинг автотранспорт воситаларининг ишлаш функциялари, дастгохлари, транспорт воситаларини ишлаб чиқариш технологиясининг мазмунини ёритиш ва чуқурлаштирилган технологик тажриба синов дарси |
| Маъруза режаси | Автотранспорт воситаларининг турлари, ишлаб чиқаришнинг иехнологик даражаси, автотранспорт воситаларининг материаллари ва улардан фойдаланишнинг қоидаларини ёритиш |
| Ўқитиш усуллари | Маъруза, намойиш, блиц-сўров, тажриба-синов асосида |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска, автотранспорт воситаларининг макетлари ва технологик жараёнлари видеороликлари, ишлаб чиқариш конверининг кўриниши ва холатига оид материаллар. |
| Ўқитиш шакллари | Индивидуал, оғзаки, тажриба-синов асосида |
| Ўқитиш шароити | Проектор, компьютер воситалари билан жихозланган аудитория ва коллежнинг автотранспорт воситалари материалларини ўргатишга ихтисослаштирилган хона |
| Тажриба синов жараёнининг мазмуни ва автотранспор воситаларини ишлаб чикраиш ва фойдаланишни ўрганишнинг натижаларини шакллантириш | Устахонада автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш бўйича проект тақдим қилинади. Автотранспорт воситалари материаллари ёйиқ холатдан макети терилади ва ушбу макет асосида автотранспорт воситаларини фойдаланиш ва воситаларининг функцияларини бирма-бир вазифалари таништирилади. Натижа автотранспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича белгиланган нормативга асосан ўзлаштириш даражаси баоланади. |

2.1.2-Жадвал: Коллежда автотранспорт воситаларини ишлати ва таъмирлаш мутахассилигининг педагогик технологик дарс машғулоти технологик картаси.

## 2.2 Коллежда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлик холати таҳлили

Улуғнор қишлоқ хўжалиги коллежида дарс машғулотларини ташкил этиш холати ва ўқитишни тайёрлов мутахассисликлари бўйича ташкил этишнинг услубий асосларидан келиб чиқиб коллеж таълимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг холати ва мутахасисликлар бўйича дарсмашғулотларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси ва уларнинг таълим мақсадаларига эришишидаги ахамиятини ёритиш коллеж таълимининг инновацион таълим технологиялари хусусиятларини бахолаш ва коллеж таълим жараёнини ривожлантиришнинг лойихалаштириш ва малакали кадрлар тайёлаш тизимини камчиликларини бартараф этишнинг омилларини ишлаб чиқишнинг имкониятини яратишга асос бўлади. Дастлабки таҳлили натижаларини шакллантиришдан олдин коллежда ихтисосликлар бўйича ўқув жараёнини ташкил этилиш холатини таҳлил қиламиз.

Қуйидаги чизмада коллежда дарс машғулотининг тузилиш хажми картаси:




2.2.1-Чизма: Коллежда замонавий педагогик технология асосида дарс машғулотларини ташкил этишнинг иехнологик харитаси

Коллежда дарс машғулотларини замонавий педагогик технологиялар асосида ўтиш ва ўқитишнинг стандарт талабаларини шакллантиришда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўқув предметлари таркибига киритилаётган ихтисослик бўйича машғулотларни ўқув тажриба синов лаборатория машғулотлари асосида ташкил этиш ва амалий синов ишларини шакллантириш орқали амалга оширилмоқда. Коллежга ихтисосликлар бўйича жами 10 та йўналишга вилоятимиздаги мавжуд ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш жараёнининг технологик жараёни структураси ва холатини акс эттирувчи видеороликликларни ва проектларни келтирилиш ўз навбатида ўқитишни ва малака оширишнинг етарли даражадаги технологик даражасини ифодаламоқда. Коллежда дарс машғулотарини ташкил этишнинг холати ва ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш асосида ташкил этиш ва ривожлантириш орқали дарс машғулотларини амалий имкониятлари технологик таъсир даражаси ортиб бормоқда. Шу боисдан коллеж таълимида назарий фан машғулотларини олиб бориш ва ўқитишда таълимнинг замонавий педагогик технологияларидан “Кластер”, “Инсерт”, “Фикрлар хужуми”, “Лойиха тахили”, “6х6х6”, “Анлиз ва синтез”, “Венна диаграммаси”, “Ахборот технологияли таълими” методаларидан фойдаланилмоқда. Шу каби омиллар қаторида хар бир гуруҳнинг дарс машғулотининг ўтиш даражасини таҳлили қилишдан олдин “Дедукция” методидан фойдаланиб, коллежнинг 96-гуруҳи автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш йўналишининг дарс машғулотларидаги замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси ва ўқитишнинг иқтисодий самарадорликка эришиш холати юзасидан таҳлилини амалга оширамиз.

Таҳлилнинг дарс машғулотларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишдаги омиллари бўйича келтириб ўтамиз:

1.Фан ўқитувчисининг автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш йўналиши бўйича ўқув тажриба синов ишларини ташкил этишнинг таълимий мақсадлари ўқувчиларнинг автотранспорт воситаларининг турлари ва улардан фойдаланишнинг услубий асосларини билишларини таъминлаш. Тарбиявий

мақсадларига гуруҳ талабаларининг автотранспорт воситаларини ишлатишнинг хавфсизлик талабалари ва инсонларни машиналардан фойдаланиш афзалликларини такомиллаштириш масалаллари бўйича етарлича кўникмларни шакллантириш. Дарс машғулотларининг ривожлантирувчи омилларига гуруҳ ўқувчилари ўртасида автотранспорт воситаларини ишлатиш ва материалалрни тизимини оптимал ва қулай усулларини ишлаб чиқишга оид лойиха ва чизмаларини келтиришнинг мезонларини ишлаб чиқиш.

2.Гуруҳда дарсни ташкил этишдаги умумдидактик принциплари. Бунда коллеж ўқувчиларининг автотранспорт воситаларини материаллари функциялари билан таништиришларида қурилмаларнинг илмий асосланган тизим асосида ишлаши, илмий назарий қоидаларни ўзида акс эттирувчи омил сифатида эътироф этилиши кабиларни кирииб ўтамиз. Онглилик принцпида ўқувчиларнинг материалларнинг вазифалари ва транспорт воситаларининг ишлатишга оид талабларини мустақил ўрганишларини киритилади. Таълим ва ишлаб чиқаришнинг боғлиқлигини таъминлашдаги омиллари қаторига. Автотранспорт воситаларидан фойдаланишнинг ва ишлаб чиқариш технологиялари билан танишиш жараёнига оид узвийликни таъминлашнинг омилларини киритиб ўтиш мумкин. Фаоллик ва муқоббилк принципида ўқувчиларнинг автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларнинг мутариал қисмларини ўрганишга доир малакаларини шакллантиришдаги маъсулият ва психологик омилларини киритиб ўтиш мумкин. Кўргазмаллиик принципида автотранспорт воситаларининг ишлаш жараёни ва механизмларини тўғрисидаги видеороликлардан фойдаланилади. Дарс машғулотларида кўргазмали воситалар қаторига машиналар жихозларининг расмлари, материалларининг кўриниши ва холати, алохида стрелкали материалнинг нимага хизмат қилиши каби тарқатма материаллари мавжуд. ЯПТлардан фойдаланиш принципида коллеэжа машина ва жихозларнинг функцияларини таништириш ва тегишли вазифаларини тўғри етказишда юқоридаги педагогик технологиялардан фойдаланилади. Коллеж ўқитувчиларининг психологик хусусиятларни билиши ва ўқувчиларнинг автотранспорт воситалари материаларини ишлаш функциялари тўғрисидаги

билимларни ўзлаштиришга қайси ўқувчининг ўзлаштириш даражаси юқори ва қайси ўқувчининг машина ва жихозларга қизиқишини аниқлашнинг барча омиллари келтирилиб ўтилади. Натижавийлик принципида коллеж ўқувчиларининг автотранспорт воситаларини функцияларини билим ва ўрганиш бўйича етарли малакаларини шакллантиришдаги тест натижалари ва сўровлар асосида ташкил этилади.

3.Ўқитувчининг автотранспорт воситаларини ўқитишдаги ноаъанавий усуллардан фойдаланиш методига ўқув адабиётларидан фойдаланиш методи киритилиб, асосан ўқитувчининг техника ва машинавозлик тармоқларидаги  лмий-изланиш натижаларини ўзида акс эттирувчи адабиётлардан фойдаланиш даражаси, ушбу адабиётларни рус тили ва хорижий тиллардан таржима асосида ўқувчиларга етказиш жараёнлари ўз навбатида коллеж ўқувчиларининг малакаларини шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

4.Ўқитишнинг тажриба-синов жараёни материаллари. Бунда автотранспорт воситаларидан фойдаланишда ўқувчиларнинг материалларнинг физик ва кимёвий хоссалари, материал техник хусусиятлари тўғрисидаги билимларини оширишга қаратилган омиллардан бири сифатида эътироф этилади. Ушбу технологик жараён касб-таълими устаси яъни ўқитувчининг тажриба синов участкасидаги материални етказиб бериш даражаси ва ўқувчиларга тўғри етказиш даражалари инобатга олинади. Хозирда коллежда ўқувчиларни автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш бўйича билимларини шакллантиришда жазолаш методи сифатида маъмурий чоралар кўрилмоқда. Чунки коллежнинг барча гуруҳларида сохаларни ўрганишга оид хавфсизлик талаблари ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу хавфсизлик талаблари коллеж жамоасига таништирилган. Шу методикага асосан коллеж ўқувчиларининг дарс машғулотларини сурункали қолдиришларига йўл қўйилмайди. ЛЕкин коллежнинг мунтазам равишда олдиндан дарс машғулотларига қатнашмаётган талабалари 30 нафарни ташкил этиб, бу ўқувчиларга нисбатан чоралар ишлабчиқилган. Шу боисдан ўқитишни илмий асосда ташкил қилиш ва ривожлантиришда коллежнинг барча йўналишалрига тегишлича педагогик-инновацион талаблар шакллантирилмоқда. Ўз навбатида

коллеж маъмурияти томонидан касб-хунар таълими мухандислик ихтисослик фанларидан дарс машғулотларини ташкил этишга етарлича мониторинг назорати шакллантирилмоқда. Шу боисдан коллеж мутахассислар тайёрлаш тизимининг алохида омиллари қаторида ўқувчиларнинг касбийни шакллантириш, ишлаб чиқариш тармоқларидаги иш билан таъминлаш даражаларини мустахкамлашнинг омиллари қаторида ўқитилаётган фанладан педагогик технологиялардан фойдаланиш даражасини шаклантириш асосий талабалар сифатида эътироф этилмоқда. Коллеж таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш ва дарс машғулотларининг услубий асосларини ишлаб чиқишнинг бир фан мисолидаги таҳлилини ўтказиш юқоридаги умумий натижаларнинг хусусий омилларини келтиришдаги алохида холатлардан бири сифатида эътироф этилади. Коллежда ахборот технологияси фани бўйича дарс машғулотларини ташкил этишда дарс таҳлилининг мақсади ва таҳлил йўналишалрига қуйидагиларни киртиб ўтиш мумкин:

- ўқитувчиларга нисбатан қўйилган ДТСларни бажарилиш холати;
- ўқитишнинг техник таъминоти, кўргазмали ватарқатма материаллардан фойдаланиш дараасини самарадорлик таҳлили;
- ўқувчиларни мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш даражаси;
- дарс машғулотларининг технологик тажриба синов амалиёти даражаси;
- дарс машғулотларида ЯПТлардан фойдаланиш даражаси;
- дарс машғулотида амалий тажриба-синов лаборатория машғулотларини ташкил этилиш холати ва амалий натижалари;
- ўзлаштириш даражасини бахолаш мезонларини ишлаб чиқилиши.

Коллежда ахборот технологиялари фанидан дарс машғулотларини ташкил қилишнинг технлогик харитасининг мавжудлиги:

| | |
|---|---|
| Ахборот технологияси мавзуси ва дарс машғулотини ташкил этишнинг мақсади | Microsoft office дастурининг маълумотлар базаси ва файлларни тартиблаш жараёнидаги имкониятларини тушунтириш ва дастурнинг имкониятлари билан танишиш. Ўқувчиларнинг дастур бўйича файлларни яратиш ва ахборот базаси имкониятларини оширишдаги қулайтикларини тушунтириш |
| Маъруза режаси | Дастур хақида тушунча, дастурнинг амалий ахамияти, дастур |

| | |
|---|---|
| | таркибининг функциялари ва амаллари ва кўриниши |
| Ўқитиш усуллари | Маъруза, намойиш, блиц-сўров. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска, компьютер воситалари ва қурилмалари. |
| Ўқитиш шакллари | Жамоавий, гуруҳ шаклида |
| Ўқитиш шароити | Проектор, компьютер, ахборот технологиялари хонаси. |
| Адабиётлар | 1. С.С.Ғуломов Иқтисодий информатика дарслик ва Microsoft office дастурига оид ўқув адабиётлари ва дарсликлари |
| Педагогик технологиялар | "Ақлий хужум", "Кластер методи", "Инсерт технологияси" каби методлардан фойдаланилади. |
| Дарснинг педагогик технологиялари камчиликлари | Дарс машғулотида ўқитувчининг маъруза шаклида тарқатмали материаллардан фойдаланиш ва ахборотли технологиялардан фойдаланиш даражалари таҳлил қилинади. Ўқитиувчининг индивидуал шаклланган ўқитиш методикаси яъни интерфаоли методлардан фойдаланиш даражалари таҳлил қилинади. |
| Педагогик технологияли таълимнинг ўзлаштириш даражасини бахолашнинг мезонлари | Дарс машғулотида ўқувчилар кўпроқ мултимедиали таълим ва кўргазмали таълим асосида дарс машғулотларини олиб боришганлиги сабабали тест натижаларини ижобийлиги ва компьютер ахборот дастурларидан фойдаланишнинг ўқувчиларнинг хотирасида кўпроқ материалларни сақланиши кабиларни киритиб ўтиш мумкин. |

2.2.2-Жадавал: Коллежда педагогик технологиялар бўйича дарс машғулотларини ўтишнинг технологик картаси

Коллежда дарс машғулотларини ташкил этишнинг амалий педагогик технологиялари омиллари ва уларни режалаштиришнинг услубий методик асослари билан танишиб чиқдик. Коллежда таълим жараёнининг амалий гуруҳ мисолидаги ўтилган дарс машғулоттларида фан ўқитиувчисининг педагогик технологиялар фойдаланиш даражасини бахолаймиз

"Бухгалтерия хисоби" фанидан дарс машғулотларини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитишнинг тартиби. 93-гуруҳнинг 30-нафар талабалари иштирокида маъруза шаклдаги ўқув жараёни иқтисодий фанларган ихтисослаштирилган аудитория ўтказилиб. Дарснинг технологик картаси юқоридаги жадвал асосида режагага кўра ташкил этилади. "Бухгалтерия хисоби" фанидан ўқитувчининг ДТСларга жавобан фаннинг ўқув режаси ва ўқув режага асосан мавзуларни ёритилиши. Фаннинг маърузалар курси, ўқитишнинг педагогик технологиялари "Фикрлар хужуми", "Кластер методи", анализ ва синтез, рағбатлантириш ва индукция ва дедукция методалри асосида ташкил

этилди. Ушбу фаннинг ўқитиш воситалари проектор, компьютер воситалари ва қурилмалари, тарқатма материаллари, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига оид масалалар тўплами маълумотлари, иқтисодий кўрсаткичлар ва маълумотлар асосида дарс ташкил этилди. Ўқитувчида шунингдек, иш режа, дарс баёни ва матни, дарс таҳлили бланкаси, “Бухгалтерия хисоби” фани бўйича ўқув адабиётлари ва кўргазмали қуроллари, гуруҳнинг журнали, иқтисодий акдиториянинг плакатлари ва тарқатма материаллари, ўқитувчининг амалий машғулотларни бажариш бўйича услубий кўрсатмаси ва бошқа услубий меъёрий хужжатлар асосида ташкил этилди. Дарсни ташкил этишда ўқитувчи фан машғулотини назарий қисмида киришга 10 минут сарфлади. Мавзу “Бухгалтерия хисоби” фанининг корхонанинг мол етказиб берувчилар билан хисоб китоблари тизимини юритиш тартиби ва шакларини назарий ахамияти ва мазмунини ёритиб ўтди. Дарс машғулотининг кириш қисмида корхонанинг товар ва хизматлар бўйича хисоб-китобларини ташкил этишга доир счётлари режаси ва ишчи счётлари келтирилиб ўтилди ва доскага ёзилди. Дарс машғулотининг асосий қисми маълумотларида корхонанинг мол етказиб берувчилар билан хисоб-китобларини юритиш тартиби ва шакллари кластер технологияси ёрдамида қуйидагича кўрсатиб ўтилди:



| Шартномавий тўловлар ва келушувга асосан тасдиқланган тўлов шакллари |
| --- |

2.2.3-Чизма: Коллежнинг 93-гуруида “Бухгалтерия хисоби ва аудит” фани кластер технологияси ёрдамидаги корхонанинг мол етказиб брувчилар билан хисоб-китобларига оид маълумотлар кўриниши.

Гуруҳнинг анализ методида корхонанинг хўжалик фаолиятига оид маълумотлар киритилади ва умумлаштирилади. Коорхона хўжалик фаолиятига оид хисоб-китоб шакллари ва тўловларни амалга ошириш артибларини келтириб ўтилади ва умумлаштирилади. Агарда ушбу натижалар корхонанинг хисоб-китобларига оид тўловлари тўғрисидаги ўқувчиларнинг билимларини шакллантира олмаса ўқувчиларнинг етрали даражадаги фан бўйича бошқа хисоб шакллари бўйича маълумотларини ўрганишга тўсиқларни келтириб чиқаради. Шу боисдан дарс машғулотида “Фикрлар хужуми” технологияси асосида ўқувчиларга корхонанинг мол етказиб берувчилар билан хисоб-китоб шакларини қулай вариантини топа оласизми? Корхонанинг мол етказиб берувчилар билан хисоб-китобларини ташкил этишнинг хисоб шаклларида счётлар режасига киритилган счётлардаги хисоб операцияларини юритишнинг қандай турларини биласиз? Ўзбекисотон Респубикасида корхоналарнинг хўжалик фаолиятини ривожлантришнинг хисоб шакллари бўйича қандай оптимал хисоб –китоблар бўйича хўжалик хисоботларини ташкил этишнинг дастурлари ишлаб чиқилган? Шу боисдан ўқувчиларнинг дарс машғулотларининг асосий қисми маълумотларини ўрганганларидан кейин ривожлантириш қисмидаги эришилган натижаларга гурухда 10% ўқувчининг корхона хисоб шакллари тўғрисидаги маълумотлар ва операциялардан хабардорлиги пастлигини келтириб ўтиш мумкин. Сабаби ўқувчилар кетма-кет уч маротаба “Бухгалтерияхисоби” фани бўйича дарс машғулотларини қолдирганлар. Дарс машғулотида корхоан хўжалик фаолиятига оид маълумотларни келтиришда замонавий педагогик

технологиялардан фойдаланиш даражасини 85% деб хисобласак мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби ўқувчиларни педагогик технологиялар асосида ўқитишнинг афзаллик томонлари ўқувчиларнинг билимини оширишнинг алохида шаклланган тхнологиялари қаторида кластер методи ва корхоналарнинг хисоб шакллари бўйича масалалар тўпламини келтирилиш ўз навбатида ўқувчиларнинг фанни ўзлаштириш даражаларини шакллантиришнинг муҳим омилларидан бир хисобланмоқда. Окллежда замонавий педагогик технологиялар бўйича коллежнинг ахборот ресуурс маркази фондидаги ўқув услубий қўлланмалар умуман мавжуд эмас. Фанин махсус фан сифатида қараладиган бўлса коллеж кутубхонасида фанаг оид ўқув адабиётларнинг 117 номдаги 3011 та китоб фондини айтиб ўтиш мақсадга муввофиқдир. Шу боисдан коллежда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш ва яхшилаш масалласидаги алохида камчилик сифатида коллеж ихтисослик фан ўқитувчиларининг фанлардан ўқув-услубий қўлланмалар ва адабиётлар электрон базасини ишлаб чиқиш ва тегишли услубий кўрсатмалар турларини ишлаб чиқишга доир ижодий материалларни ишлаб чиқишларида ўз навбатида ўқитувчиларнинг етарлича имкониятлари мавжуд коллеж ўқувчиларининг камчилик томонларини кўрсатиб ўтишда мана шу холатга эътибор қаратиш лозим. Демак, дарстаҳлилининг алохида шаклларида коллежнинг 93-гуруҳида 3-нафар талаба ва ўқитувчининг фан бўйича дарс машғулотларини замонавий педагогик технологиялар асосида дарс машғулотларини ташки этишнинг махора даражаси ўртача деб бахоланди. Коллежда натижавий билимларни бахолаш ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилгандан кейинги холатини таҳлили қилиб чиқамиз:

1.Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси:

Гуруҳдаги тест натижаларидан 30 нафар талабадан 26 нафари дарс машғулотларига қатнашди. Шундан 17 нафари тестни 86%га топширди. 8 нафари 71%га ва 1 нафари 55%га топширди. Гуруҳда ишнинг 1.3 режасида кўрсатилган формуладан $\sum = (\sum 26 - \sum 9) / \sum 26 * 100\% = 65.$ Натижадан кўриниб турибдикаи гуруҳнинг ўзлаштириш даражадаги ўсиши 56%га ошган бу коллежда педагогик

техногиялардан фойдаланишнинг афзалликлари ванатижанинг самарадорлигини ортиши билан бахоланмоқда. Шу боисдан ўқитишни педагогиек технологик даражасини ошириш ўқитишга нисбатан замонавий педагогик талабларни шакллантиришда коллеж ўқитувчиларининг касбий малака кўникмаларини доимий равишда ошириш бориш ўз навбатида коллежда ўқув жараёнининг мутахассислар тайёрлаш тизимининг имкониятлари ва коллеж нуфузини оширишнинг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

## 2.3 коллеж дарс машғулотларини ахборот технологиялари асосида ташкил этиш холати таҳлили

